

ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИГА ОИД ЁНДАШУВЛАР: ШАРҚ ВА ҒАРБ НАЗАРИЯЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543881>

Элмурод Абдуллаев Бозарбой ўғли,
Андижон давлат педагогика институти
доценти, ф.ф.б.ф.д. (PhD).

Аннотация: Инсон пайдо бўлибдики, ўзига “Ўзи мен кимман?”, “Дунёга нега келдим?”, “Яшаидан мақсадим нима?” каби саволларни бериб келади. Сабаби, ҳар бир инсон индивид сифатида бетакрор. Ҳар бир одам умри охирлаб қолганида уни сарҳисоб қилар экан, “Бу дунёда қандай яшадим?”, “Нималарни қўлга киритдим ва нималарни бой бердим?”, “Мен атрофимдаги инсонларга наф келтира олдимми?”, “Фарзандларимга нималарни мерос қилиб қолдирдим?” каби саволларга жавоб излайди. Мазкур саволларни нафақат ҳаёти сўнгида, балки, одам ўз виждони ва иймони билан ёлғиз қолганида ҳам ўз-ўзига савол қилиб беради. Бу инсоннинг онг ва тафаккур хусусиятларидан бири бўлиб, инсонийлик белгиси ҳисобланади. Мазкур мақолада инсон капитали назариясига оид ёндашувлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, Шарқ мутафаккирлари, Ғарб файласуфлари, Зардууштийлик таълимоти, Ўрта Осиё алломалари, замонавий дунё олимлари.

Инсон капитали жамиятнинг мавжуд эҳтиёж ва талабларини қондиришга йўналтирилган малака, билим ва кўникмаларнинг умумий уйғунлиги ҳисобланади. Ҳар қандай жамият ўзининг иқтисодиётига асос бўлувчи қонунларга ва шу асосдаги тизимларга эга бўлади. Кишилиқ жамияти пайдо бўлган даврлардан буён ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва турли даражалардаги ҳўжалиқ ва ишлаб чиқариш муносабатлари натижаси сифатида уларнинг котеґориал аппарати ишлаб чиқилган.

Тарихда Қадимги Шарқ ҳудудларида инсон капиталининг дастлабки кўринишларини учратиш мумкин. Энг кўҳна цивилизация марказларидан бири ҳисобланган Бобилда подшоҳ Ҳаммураппи қонунлари тўпламидан инсон капиталининг элементлари – меҳнатга ҳақ тўлаш, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тартибга солиниши, бу жараёнда давлатнинг ўрни ва роли борасидаги нормалар ўрин олганди. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой заминларида яшаган файласуфлар ҳам фаровон турмуш тарзини орзу қилганлар. Жумладан, фаровон турмуш

кечиришга инсоннинг ўзи масъул эканини кўрсатишга уринганлар. Бу эса Махавира Вардхамана, Конфуций, Мо Ди каби донишмандларнинг қарашларида ўз тасдиғини топган¹.

Инсон капитали ва у билан боғлиқ тушунча назарий таҳлил объектига айланди. Қадимги Юнонистон файласуф ва мутафаккирлари инсон ва инсон капитали борасида ўз фикрларига эга эдилар. Жумладан, Сукрот ва унинг шогирди Афлотун қарашларида инсоннинг ижтимоий қирралари тадқиқ этилган. Қадимги Юнонистон файласуф ва мутафаккирлари ҳам инсон ва инсон капитали борасида ўз фикрларига эга эдилар. Жумладан, Сукрот инсон масаласини ўз тадқиқоти марказига қўйган бўлиб, улар инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминловчи қарашлар ва фикрлар эди. Сукрот маърифат йўли билан инсонларнинг дунёқараши, фикрлаши ва ҳаёт тарзини юксалтириш мумкин², деб ҳисоблаган. Унинг шогирди Афлотун эса инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун керак бўладиган фазилат ва ҳислатлар ўқиш ва тарбия ёрдамида вужудга келиши³ни таъкидлайди.

Зардуштийлик дини таълимотларида инсон капиталининг ўзига хос кўринишлари учрайди. Хусусан, одамни соғ-саломат вояга етишида меъёрида овқатланиш лозимлиги, овқатланиш маданиятига риоя қилмаган жамият кучли авлодларга ва бақувват меҳнаткашларга эга бўлолмаслиги таъкидланган. Шунингдек, очлик ва тўйиб овқат емаслик кишиларнинг маънавий ҳислатларига ҳам путур етказди, деб қаралган. Шу боисдан ҳам инсон камолоти учун долзарб саналган – озуканинг етарлилигига эътибор қаратилган. Бу йўлда жамият зироатчилик, чорва боқиш ва шу каби соҳалар ривожига таянган. Зардуштийларнинг бу қарабини нон ва донга бой бўлган юрт аҳолисининг кулоқларига пандномаи-насиҳатлар, муқаддас битиклар етиб боради, деган тамойилларда ҳам кўриш мумкин⁴.

Ўрта аср Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам инсон ва унинг ички дунёси борасида ўзига хос фикр ва ёндашувга эга бўлганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний “Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларда илмларга бўлган талабларни келтириб чиқаради”⁵ деган бўлса, Абу Наср Форобий “Инсондаги шахсийликни вужудга келишига, инсонни бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилишига хизмат қилувчи, асосийси кишидаги маънавий сифатларни тараққий

¹ Choriyev A. Inson falsafasi. Birinchi kitob. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2007. – B. 13-27.

² Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты. Сократ. Платон. – Москва, 1969.

³ Платон. Сочинения. В трёх томах. Том 3, часть 1. – Москва, 1971. – С. 515.

⁴ Юкоридаги манба. – Б. 37.

⁵ 100 ҳикматлар. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов. – Тошкент: Нур ИИЧБ, 1993. – Б. 9.

эттирувчи омил бу унинг ақлидир”⁶, – дея таъкидлайди. Ж.Румий эса “Инсон (қалб) кўзларини очган ҳолда ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаши лозим”⁷ эканини айтади.

XVIII аср бошларидаёқ инсон ишлаб чиқариш жараёнларининг ричаги – ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралган ва мазкур жараён ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Глобаллашиб бораётган бугунги даврда кишининг иқтисодиётга кўрсатадиган таъсири ортиб бормоқда. Янги билимлар, кўникма ва маҳоратлар каби ижтимоий омиллар эса фан-техника тараққий этгани сайин намоён бўлиш жараёни жадаллашади. Шу йўл билан одам иқтисодий тараққиётнинг асосий ричагига айланиб боради. Бунда ишчи кучи сифатида қаралувчи инсоннинг асосий фигура сифатидаги ўрни ва аҳамияти орта бошлайди. Бунинг бош омили сифатида одамлардаги билим, тажриба ва қобилиятни ривожлантиришда муҳим ҳисобланган инновацион тафаккурнинг мавжудлиги билан боғланади.

Инсон капитали ҳақида Ғарбнинг Г.Беккер, Т.Шулць, А.Смит, У.Петти, А.Маршал, Ж.Меррифилд, Ш.Розен ⁸ каби мутафаккир олимларининг қарашлари ҳам ўрганилган. Хусусан, инсон капитали ғояси фалсафий-иқтисодий тафаккур тарихида узоқ илдизларга эга. Унинг илк кўринишлари У.Петтининг “Сиёсий арифметика” асарида учрайди. Кейинчалик инсон капитали масалалари А.Смитнинг “Халқлар бойлиги”, А.Маршаллнинг “Тамойиллар” ва бошқа кўплаб олимларнинг асарларида акс этган.

Инсон капитали назарияси XX аср 50-60 йилларига келибгина шаклланди. Таниқли америкалик иқтисодчи, Нобел мукофоти совриндори Т.Шулць инсон капиталининг асосий назарий моделни ишлаб чиққанини эътироф этиш зарур. Бундан ташқари, Г.Беккернинг “Инсон капитали” китоби соҳага оид тадқиқотлар учун асос саналади ва замонавий иқтисодий фаннинг бошланғич асоси сифатида эътироф этилади. “Инсон капитали бу ҳар бир одамдаги билим, кўникма ҳамда мотивациялар йиғиндисидир”⁹, – дея таъкидлайди Г.Беккер.

Инсон капиталининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотлардан шу маълум бўлдики, инсон ақлли мавжудот сифатида ақлий, ҳиссий, интеллектуал салоҳиятлар эгаси ҳисобланади ва фаровон ҳаётнинг ҳам бунёдкори ҳисобланади. Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, инсон

⁶ Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 69.

⁷ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 63.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Шулць Т. Инвестиции в человеческие капиталы. – Москва, 1961. – С. 62.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики. – М., 1993, Т.1. – С.382.; 1. Петти У. Экономические и статистические работы – М.: Соцекгиз, 1940. – С.154-171.

⁹ Экономика народного образования. Учебник для студентов педвузов. – Москва: Под. ред. Костянина С. Л. 2 – е издание. 1986. – С. 314.

капитали замонавий дунё термини бўлиш билан бирга, қадимга ижтимоий фалсафий тушунча ҳам ҳисобланади.